

## **Ҳамкорликдаги вебинар**

Бугунги кундаги асосий талаблардан бири ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис сифатида тарбиялашда нафақат миллий, балки хорижий давлатларни иқтисодиёт тармоқларидағи илфор тажрибаси билан яқындан таништиришdir. Мавжуд соҳавий билимларни янада бойитиш мақсадида “Ердан фойдаланиш” кафедраси профессор-ўқитувчилари ташаббуси билан Москва давлат ер тузиш университети “Ер тузиш” кафедраси мудирининг ўринбосари, и.ф.н., доцент Лариса Евгеньевна Петрова билан



“Ер муносабатларини тартибга солиш ва такомиллаштиришда ер тузишнинг бугунги вазифалари” номли вебинар ташкил қилинди. Вебинарда кафедра профессор-ўқитувчилари билан биргаликда 5410700-Ер тузиш ва ер кадастри таълим йўналиши 4 - босқич талабалари ҳам иштирок этиб ўзлари учун мухим бўлган маълумотларга эга бўлишди. Вебинар якунида талабалар ҳамда қатнашувчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди. Вебинардан олинган лавҳалар.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**